

**“Ўзагроинспекция” ахборот хизматларини курсатишнинг
“Ишонч телефони” тугрисидаги
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тугрисида”ги Ўзбекистан Республикаси Қонуни, Вазирлар Мадаҳмасининг “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тугрисидаги Намунавий Низомни тасдиқлаш дақида”ги 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарарда “Адоли ва тадбиркорлик субъектларига қурсатиладиган давлат хизматлари тугрисида маълумот бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тугрисида”ги 2021 йил 3 апрелдаги 179-сон қарорларига мувофиқ аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг “Ўзагроинспекция”си телефон алоқасининг махсус линияси (кейинги уринларда «ишонч телефони» деб аталади) ордали тушадиган уларнинг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш масалалари бўйича аризалари, тақлифлари ва шикоятларини қабул қилиш, расмийлаштириш ва қуриб чиқиш тартибини белгилайди.

2. Қуйидагилар:

идоравий бўйсунувидан ва мулкчилик шаклларида қатъи назар барча қорхоналар, муассасалар қарарда ташкилотларининг қишлоқ ва сув ҳужалиғи қодасидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши қолати, экспорт-импорт ва республика ичидаги ташишларда қон экинлари, пахта қом ашёси, қишлоқ ҳужалиғи экинлари уруғлари ва улардан қайта ишланган мадсулотлар сифатини мажбурий давлат текширувидан утқазиш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг қелиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини қартараф этиш қораларини қуриш қорасида қомплекс қора-тадбирларни амалга ошириш бўйича мансабдор шахсларининг қонқуний қатти-қаракатлари (қаракатсизлиғи) юзасидан;

идоравий бўйсунуви ва мулк шаклларида қатъи назар тракторлар, трактор тирқамалари, мелиорация ва йул-қурилиш техникаси, узиюрар машиналар қардар қишлоқ ҳужалиғи техникалари қонининг қисобини юритилиши, қадланиши ва қисобдан қидариш, давлат руйқатдан утқазиш,

техник кўрикдан ўтказиш, шунингдек, давлат рақами белгиси, техник паспорт ва техник гувоҳнома бериш, тракторчи-машинист гувоҳномасини ва огоҳлантириш талонларини бериш учун имтиҳонлар ўтказишнинг белгиланган муддатлари ва тартибига риоя қилинмаслиги масалалари бўйича;

қишлоқ хўжалиги экинлари навларининг генетик софлиги ва уруғлари сифати соҳасидаги давлат сиёсатининг ижро қилиниши, аккредитация соҳасига мувофиқ уруғларни сертификатлаш, уруғ ҳамда кўчат материалларининг сифатини аниқлаш ва назорат қилиш бўйича ишларнинг ноқонуний рад этилиши ёки бериш тартиб-қоидаларининг асоссиз чўзиб юборилиши юзасидан;

мурожаатчиларга Инспекция томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларини тақдим этиш, фаолияти тўғрисида, давлат хизматлари ҳақида маслаҳат бериш ва сўровларни қайта ишлаш, шунингдек Инспекция ваколатига тааллуқли бошқа масалалар бўйича аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини олиш, умумлаштириш ва белгиланган тартибда кўриб чиқиш «ишонч телефони»ни ташкил этишнинг асосий мақсадлари (вазифалари) ҳисобланади.

Асосий вазифалардан келиб чиқиб, қуйидаги функцияларни бажаради:

мурожаат қилувчиларни Инспекция томонидан кўрсатиладиган давлат хизматлари (мазкур Низомнинг 1-илоvasидаги таркиб) бўйича ахборот билан таъминлаш;

давлат хизматларини кўрсатиш тартиби, шу жумладан, давлат хизматлари кўрсатиш муддатлари, хизматлардан фойдаланиш учун зарур бўлган ҳужжатларга қўйиладиган талаблар, шикоят қилиш тартиби тўғрисида маълумотлар бериш;

қонунчилик ҳужжатларига зид келмайдиган ҳолатларда сўзлашувларни (ва бошқа бажарилган транзакцияларни) ёзиш, мурожаатларни идентификациялаш механизмларидан фойдаланиш;

мурожаатларни йўналтириш ва тааллуқлилиги бўйича юбориш;

қабул қилинган мурожаатлар бўйича статистик ва таҳлилий ҳисоботларни шакллантириш.

3. «Ишонч телефони» орқали:

аризалар — аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари амалга оширилишида ёрдам кўрсатиш сўралган мурожаатлари;

таклифлар — аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялари юзасидан мурожаатлари;

шикоятлар — аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган қонуний ҳуқуқлар, эркинликлар ва манфаатлар тикланиши талаб қилинган мурожаатлари қабул қилинади.

4. «Ишонч телефони» «Ўзагроинспекция»нинг марказий аппаратида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бошқармаларида (кейинги ўринларда Инспекция ташкилотлари деб аталади) ўрнатилади.

5. «Ишонч телефони» орқали тушаётган мурожаатлар душанба кунидан жума кунигача (жума кuni ҳам) (байрам кунларидан ташқари) соат 09.00 дан 13.00 гача ва 14.00 дан 18.00 гача Инспекция ташкилотларининг масъул ходимлари томонидан қабул қилинади.

6. Мурожаатларни кўриб чиқишда Инспекция ташкилотларининг масъул ходимлари томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари тўғрисида олинган маълумотларнинг унинг тегишли розилигисиз, шунингдек давлат сирини бўлган маълумотларни, тижорат сирини ва қонун билан муҳофаза қилинадиган бошқа сирни ҳамда агар бу аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини камситишга олиб келса, бошқа маълумотларнинг ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

Кўнғироқ қилувчи шахс тўғрисида мурожаат қилиш мавзусига тегишли бўлмаган маълумотларни аниқлашга йўл қўйилмайди.

7. Таклифлар Инспекция ташкилотлари томонидан улар тушган кундан бошлаб бир ойгача муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрганиш талаб қилинадиган таклифлар бундан мустасно, бу ҳақда таклиф киритган шахсга ўн кун муддатда маълум қилинади.

8. Аризалар ва шикоятлар Инспекция ташкилотлари томонидан тушган кундан бошлаб бир ойгача муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрганиш ва текширишни талаб қилмайдиган аризалар ва шикоятлар эса — ўн беш кундан кечикмай кўриб чиқилади.

Аризалар ёки шикоятларни кўриб чиқиш учун қўшимча текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни талаб қилиш ёхуд бошқа чораларни кўриш зарур бўлган ҳолларда аризалар ёки шикоятларни кўриб чиқиш муддатлари Инспекция ташкилотлари раҳбари томонидан истисно тариқасида, бироқ бу ҳақда ариза берган ёки шикоят қилган шахсга хабар қилинган ҳолда бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

II. «Ишонч телефони» орқали тушадиган мурожаатларни қабул қилиш ва расмийлаштириш тартиби

9. «Ишонч телефони» орқали мурожаатлар бутун Ўзбекистон ҳудудида (+99871) 202-12-48 телефон рақамига қўнғироқ қилиш йўли билан амалга оширилади. Қўнғироқ бепулдир. Инспекция ташкилотлари томонидан қўшимча телефон рақамлари жорий этилиши мумкин.

10. «Ишонч телефони» орқали тушаётган мурожаатларни қабул қилиш учун Инспекция ташкилотларида махсус хоналар ташкил этилади ва мурожаатларни қабул қилиш учун масъул бўлган ходимлар белгиланади.

11. «Ишонч телефони» орқали телефон қўнғироқларига жавоб беришда Инспекция ташкилотларининг қўнғироқни қабул қилувчи масъул ходими:

фамилиясини, исмини, отасининг исмини, эгаллаб турган лавозимини айтишга;

қўнғироқ қилган шахсга «ишонч телефони» фақат аҳоли ва тадбиркорлик субъектларидан аризалар, таклифлар ва шикоятларни қабул қилиш учун ишлашини тушунтириши, шунингдек қасддан ёлғон маълумот тақдим этилиши қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлишини маълум қилиши;

қўнғироқ қилган шахсга ушбу Низомнинг 14-бандида кўрсатилган ахборот ва маълумотларни маълум қилишни таклиф этиши шарт.

12. «Ишонч телефони» орқали тушаётган мурожаатларни тўплаш ва умумлаштириш учун телефондаги сўзлашувларни ёзиш функцияси билан жиҳозланган телефон аппаратларидан фойдаланилиши мумкин.

13. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг барча мурожаатлари рўйхатга олиш дафтарида ёки электрон манбада рўйхатга олинади ва қонунчиликда белгиланган муддатда сақланади.

14. «Ишонч телефони» орқали мурожаат қилишда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари фамилияси, исми, отасининг исмини, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотларни, ўзлари фойдалайдиган фуқаро ёки тадбиркорлик субъектининг номини, паспорт рақамини, СТИРни, жавоб юборилиши керак бўлган почта манзилени, қайта боғланиш учун телефон рақамини маълум қилиши, шунингдек мурожаатнинг моҳияти ва мазмунини баён қилиши шарт.

15. «Ишонч телефони» орқали тушган мурожаатлар Инспекция ташкилотларининг масъул ходимлари томонидан ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича расмийлаштирилади ва Инспекция ташкилотларининг

«ишонч телефони» орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шакл бўйича мавжуд рўйхатга олиш дафтарида ёки электрон манбада рўйхатдан ўтказилади ҳамда кўриб чиқиш учун тегишли Инспекция ташкилотлари раҳбариятига киритилади.

16. Ушбу Низомнинг 14-бандида кўрсатилган ахборот ва маълумотлар тақдим этилмаган мурожаатлар рўйхатдан ўтказилмайди ва кўриб чиқилмайди.

17. Қабул қилинган мурожаат бўйича ўша куннинг ўзида Инспекция ташкилотларининг масъул ходими томонидан Инспекция бошлиғининг 2020 йил 8 июндаги С5-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 4-иловасига мувофиқ тасдиқланган шакл бўйича «назорат карточкаси» тўлдирилади. Назорат карточкаси мурожаатлар Инспекция ташкилотларининг масъул ходимлари томонидан қабул қилинганда Инспекциянинг Мурожаатлар бўлимига, мурожаат Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бошқармаларининг масъул ходимлари томонидан қабул қилинганда эса — Ташкилий назорат ва таҳлил бўлимларига юборилади.

Нazorat карточкаси ушбу Низомнинг 16-бандида назарда тутилган ҳолларда тўлдирилмайди.

III. «Ишонч телефони» орқали тушаётган мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби

18. «Ишонч телефони» орқали тушган мурожаатлар мурожаатни қабул қилган кундан бошлаб “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Инспекция бошлиғининг 2020 йил 8 июндаги С5-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларига мувофиқ кўриб чиқилади, мурожаатларнинг ҳудудий тегишлилиги бундан мустасно.

«Ишонч телефони» орқали тушган мурожаатлар ушбу Низомнинг 4-иловасидаги схемага мувофиқ қабул қилинади ва кўриб чиқилади.

Зарур ҳолларда мурожаатда кўрсатилган ҳолат аҳоли ва тадбиркорлик субъектини жалб этган ҳолда жойнинг ўзига чиқиб ўрганилиши мумкин.

19. Инспекция ташкилотлари томонидан қонун ҳужжатлари талаблари бузилиши аниқланган ҳолларда тегишли ташкилотларга аниқланган қонун бузилишларини, уларнинг сабабларини ва қонун бузилишига олиб келаётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида уларда кўрсатилган муддатларда ёзма огоҳнома, кўрсатма, бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома юборилади ёки фуқаро, шунингдек, юридик шахснинг мансабдор шахслари ва (ёки) бошқа ходимлари томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар юзасидан Инспекцияга тааллуқли маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича маъмурий баённома расмийлаштирилиб, маъмурий жавобгарликка тортилади.

20. Агар мурожаатда тайёрланаётган, содир этилаётган ёки содир этилган ҳуқуққа зид қилмиш тўғрисидаги, шунингдек уни тайёрлаётган, содир этаётган ёки содир этган шахс ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлса, мурожаатлар дарҳол ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига уларнинг ваколатларига мувофиқ юборилиши керак.

21. «Ишонч телефони» орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини қабул қилган Инспекция ташкилотлари мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича қарорнинг бажарилишини назорат қилишлари, шунингдек, агар зарар аҳоли ва тадбиркорлик субъектига унинг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини бузиш натижасида етказилган бўлса, зарарни қонунда белгиланган тартибда ундириш юзасидан чоралар кўриши шарт.

22. Инспекция ташкилотларининг мурожаатларни кўриб чиқиш вазифаси зиммасига юкланган масъул ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан шикоятлар тушган тақдирда ушбу мурожаатларни мазкур шахсларнинг бевосита кўриб чиқиши тақиқланади.

23. Кўриб чиқилиши Инспекция ташкилотларининг ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича «ишонч телефони» орқали мурожаатлар тушган тақдирда, Инспекция ташкилотларининг масъул ходимлари томонидан белгиланган тартибда тушунтириш берилади ва тегишли ташкилотларга мурожаат қилиш тавсия қилинади.

24. Мурожаатни кўриб чиққан Инспекция ташкилотлари аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўриб чиқиш натижалари ва қабул қилинган қарорнинг мазмун-моҳияти тўғрисида ёзма шаклда хабар бериши шарт.

Жавоб тадбиркорлик субъектига юборилгандан кейин мурожаат ушбу мурожаатни назоратга олган шахснинг имзоси билан назоратдан чиқарилади,

бу ҳақда «ишонч телефони» орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини рўйхатдан ўтказиш дафтарига тегишли ёзув қайд этилади.

Муаллифларга берилган ёзма жавобнинг нусхаси Инспекция ташкилотларида сақланади.

25. Инспекция ташкилотларининг қўллаган таъсир чоралари бажарилмаган ва зарур даражада бажарилмаган тақдирда ташкилотларнинг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

26. Инспекция ташкилотлари аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари бузилишига олиб келаётган сабабларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида умумлаштирилган аризалар, таклифлар ва шикоятларни белгиланган тартибда таҳлил қилади ҳамда ушбу Низомнинг 5-иловасидаги шаклга мувофиқ ҳисобот тайёрлайди.

“Ишонч телефонлари” фаолиятини назорат қилиш тушган мурожаатлар ҳисоботи ва бошқа маълумотлар асосида Инспекция бошлиғи, ҳудудий бошқармаларда бошқарма бошлиқлари ва тизим ташкилотида мазкур ташкилот раҳбари томонидан амалга оширилади.

27. «Ишонч телефони» орқали тушган аризалар, таклифлар ва шикоятларни, шунингдек улар бўйича тегишли ташкилотларнинг қарорларини Инспекция ташкилотларининг расмий веб-сайтида жойлаштириш қонун ҳужжатларига мувофиқ аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари тўғрисида олинган маълумотларнинг махфийлигига риоя қилган ҳолда ҳар ойда Инспекция ташкилотлари томонидан таъминланади.

IV. Яқунловчи қондалар

28. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўзларининг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш асоссиз рад этилиши устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи Инспекцияга ёхуд бевосита судга шикоят қилишга ҳақлидирлар.

29. «Ишонч телефони» орқали олинган ахборот билан ишловчи шахслар олинган маълумотларнинг махфийлигига риоя қилиниши учун қонун ҳужжатларига мувофиқ шахсан жавоб берадилар.

30. Ушбу Низом бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.



“Ўзагроинспекция” ахборот хизматларини
кўрсатишнинг “Ишонч телефони”
тўғрисидаги низомга
1-илова

**“Ўзагроинспекция” ахборот хизматларини кўрсатишнинг
“Ишонч телефони” томонидан бериладиган давлат хизматларини
кўрсатиш тўғрисидаги ахборот
ТАРКИБИ**

Т/р	Ахборот таркиби
1.	Давлат хизматини кўрсатиш шартлари
2.	Давлат хизматини кўрсатишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари
3.	Давлат хизматини кўрсатиш тартиби
4.	Давлат хизматини кўрсатиш натижаси
5.	Давлат хизматини кўрсатиш муддатлари
6.	Давлат хизматини кўрсатиш нархи
7.	Давлат хизматидан фойдаланиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар
8.	Ўзагроинспекциянинг ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқи ва тартиби
9.	Давлат хизматини тақдим этувчи Ўзагроинспекциянинг манзили, телефонлари (шу жумладан, ишонч телефони), иш режими
10.	Давлат хизматини кўрсатишнинг ҳолати ва натижалари тўғрисида ахборот

“Ўзагроинспекция” ахборот хизматларини
кўрсатишнинг “Ишонч телефони”
тўғрисидаги низомга
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан
назорат қилиш инспекциясига Ишонч телефони
орқали келиб тушган мурожаат



1	Мурожаат тартиб рақами	
2	Оператор рақами	(71) 202-12-48
3.1	Мурожаат тушган сана ва вақт	
3.2	Ташкилотга келиб тушган сана ва вақт	
4	Мурожаат муаллифи Ф.И.Ш.	
5	Жисмоний ёки юридик шахснинг манзили	
6	Мурожаатчи жинси, туғилган йили ва бандлиги	
7	Юридик шахс (тадбиркорлик субъекти) номи	
8	Телефон рақами	
8.1	Қўшимча телефон рақами	
9	Электрон манзили	
10	Мурожаат масаласи	
11	Топшириқ матни	
12	Мурожаатнинг қисқача мазмуни:	

“Ўзагроинспекция” ахборот хизматларини
кўрсатишнинг “Ишонч телефони”
тўғрисидаги низомга
3-илова

**Жисмоний ва юридик шахсларнинг Инспекциянинг “Ишонч телефони”га
қилган мурожаатларини рўйхатга олиш китоби реквизитлари**

Т/р	Келиб тушган сана ва қардан келган- лиги	Мурожаат қилувчи шахснинг Ф.И.Ш. ва манзили (юридик шахснинг номи, манзили)	Мурожаат- нинг қисқача мазмуни	Такроран (дубликат), назоратга олинган- лиги тўғрисида белги	Ижрочи- нинг Ф.И.Ш ва имзоси	Ижро этилган- лиги тўғри- сида белги ва сана	Изоҳ
1	2	3	4	5	6	7	8

“Ўзагроинспекция” ахборот хизматларини
кўрсатишнинг “Ишонч телефони”
тўғрисидаги низомга
4-илова

Инспекциянинг “Ишонч телефони” орқали мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Масъуллар	Тадбирлар	Муддат
1-босқич	Мурожаат қилувчи	1) Ўзагроинспекциянинг ишонч телефонига қўнғирок қилиб мурожаат қилиш. 2) Ахборот хизматларини ривожлантириш маркази орқали қўнғирок қилиб мурожаат қилиш.	Эҳтиёжга кўра
2-босқич	Ўзагроинспек-ция масъул ходими	1) Ўзини таништириб зарур маълумотларни маълум қилиш; 2) Мурожаат билан ишлаш: а) кўп бериладиган саволлар рўйхатидаги савол берилган тақдирда рўйхатдан ўтказмасдан ўзи жавоб бериш; б) мурожаатни ижро интизомини назорат қилиш тизимида рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш учун Ўзагроинспекция раҳбариятига киритиш; в) ваколатига кирмайдиган масала бўлса, тегишли ваколатли органга мурожаат қилишни маслаҳат бериш.	Бир иш куни мобайнида
3-босқич	Ўзагроинспекция раҳбарияти	Мурожаатни кўриб чиқишга масъул таркибий бўлинмани белгилаш.	Бир иш куни мобайнида
4-босқич	Ўзагроинспекция масъул таркибий бўлинмаси	1) Мурожаатни қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқиш; 2) Зарур ҳолларда мурожаат қилувчини жалб қилган ҳолда жойининг ўзига чиқиб мурожаатни ўрганиш; 3) Мурожаатни кўриб чиқиш натижаси бўйича ёзма хат ёки тегишли қарор лойиҳасини тайёрлаш ва раҳбариятга имзога киритиш.	Қонунчиликда белгиланган муддатда
5-босқич	Ўзагроинспекция раҳбарияти	Мурожаатни кўриб чиқиш натижаси бўйича тегишли қарор қабул қилиш ва мурожаат қилувчини ёзма шаклда хабардор қилиш.	Бир иш куни мобайнида
6-босқич	Белгиланган масъул ходим	1) Мурожаат кўриб чиқилганлиги ҳолатини ижро интизомини назорат қилиш тизимида қайд этиш ва назоратдан ечиш; 2) Статистик маълумотларни веб-сайтга жойлаштириб бориш.	Ҳар ой яқунида

“Ўзагроинспекция” ахборот хизматларини
кўрсатишнинг “Ишонч телефони”
тўғрисидаги низомга
5-илова

**Инспекциянинг ишонч телефонига тушган мурожаатлар бўйича
ҲИСОБОТ**

Сана	Линияга келиб тушган қўнғироқ- лар (бирлик)	Қабул қилинган қўнғироқ- лар (бирлик)	Ўтказиб юборил- ган қўнғироқ- лар (бирлик)	Сухбатнинг умумий давомий- лиги (дақ. сек.)	Сухбатнинг ўртача давомий- лиги (дақ. сек.)	Чикувчи қўнғироқ- лар (бирлик)
—:—:—	—	—	—	—	—	—